

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ**

Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 347 (575.1)

**МАЛИКОВА ГУЛЧЕҲРА РИХСИХЎЖАЕВНА**

**МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ  
ОРГАНЛАРИНИНГ АЙРИМ ВАЗИФА ВА  
ВАКОЛАТЛАРИНИ ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ  
ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИГА ЎТКАЗИШ  
(ҲУҚУҚИЙ, ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР)**

**Ихтисослик: 12.00.02 – давлат ҳуқуқи ва бошқаруви;  
маъмурий ҳуқуқ; молия ҳуқуқи**

**Юридик фанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун диссертация**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2004**

ЗЧС (052) (043,3)

М 22

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг “Давлат қурилиши ва ҳуқуқ” кафедрасида бажарилган

**Илмий раҳбар:**

юридик фанлари доктори,  
профессор **О.Т. Хусанов**

**Расмий оппонентлар:**

юридик фанлари доктори  
**М. Бойдадаев**

юридик фанлари номзоди,  
доцент **О.З. Муҳаммаджонов**

**Ётақчи ташкилот:**


Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар Академияси  
И.Мўминов номидаги  
Фалсафа ва Ҳуқуқ институти

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги фан доктори илмий даражасини ҳимоя этиш учун ташкил қилинган Д.005.10.01 Бирлашган Ихтисослашган Кенгаш мажлисида 2004 йил 13-кун 14<sup>00</sup> да бўлиб ўтди (Манзил: 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон поҳ кўчаси, 45).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси кутубхонасида танишиш мумкин (700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон поҳ кўчаси, 45).

Диссертация автореферати 2004 йил 13.05 да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган  
Кенгаш илмий котиби, соҳ.ф.д.**



**А.Ж.Холбеков**

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**КИРИШ.** XX асрнинг охириги ўн йили ва XXI асрнинг боши мустақил Ўзбекистонда миллий давлатчиликни шакллантириш, демократик институтларни ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилган давр бўлиб тарихда қолади.

Ҳозирги даврда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни кечаётган экан, мамлакатимиз аҳолисининг турли қатламлари манфаатини ифода этувчи нодавлат-нотижорат ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш давлат ва жамият олдидаги муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Биринчи чақирик, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида, Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакатимиз ривожланиш стратегиясининг устивор йўналишларини кўрсатиб ўтар экан, биринчи устивор йўналиш сифатида «Мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштиришни» қайд қилди, ҳамда давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштиришдаги энг асосий вазифа сифатида «ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўткази бориш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишни кучайтиришдан иборат»<sup>1</sup> деб алоҳида таъкидлади.

Нодавлат-нотижорат ташкилотлари тизимида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари алоҳида ўрин тутади, бу эса аввало, уларнинг фаолиятида деярли барча аҳоли иштирок этишида яққол намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Иккинчи чиқирик Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида жамият ҳаётини эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўналиши, «марказий ва юқори давлат бошқаруви идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўткази боришни таъминлашди»<sup>2</sup> - деб таъкидланиши мавзунинг долзарблигини кўрсатувчи энг асосий далиллардан биридир.

Ушбу мавзунинг турли жиҳатлари даврида ҳуқуқшунос ва тарихчи олимлар А. Азизхўжаев, Ш. Жалилов, С. Султонов, К. Комилов, А. Саидов, М. Бойдадаев, О. Хусанов, Ш. Махмудбеков ва бошқалар томонидан олиб борилган тадқиқотларда маълум даражада ўрганилган.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 15-16.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Халқ сўзи. -2002. - 30 авг.

Лекин мазкур мавзу тўлиқ ва аторофлича ўрганилган дея олмаймиз<sup>1</sup>.

Юридик фанлари доктори Ш. Жалилов ўзининг монографик ишларида ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни, уларни маҳалла доирасида фаолият кўрсатиши ҳамда уларнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилган.

Тарих фанлари доктори Ш. Махмудбеков эса ўз тадқиқотларида асосий эътиборни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вужудга келиши ва тарихи масалаларига қаратган.

Юридик фанлари доктори О. Хусанов, фан докторлиги диссертациясида ва бошқа илмий ишларида ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий масалалари, ўзини ўзи бошқаришни маҳаллий ҳокимият тизимидаги ўрни, уни маҳаллий давлат ҳокимиятидан мустақил фаолият кўрсатиши ҳуқуқий давлатга хос хусусият эканлиги ва ўзини ўзи бошқариш органлари билан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўзаро муносабати масалаларини ёритиб берган.

Шунингдек, кўпгина амалиёт ходимлари ҳам ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини таҳлил этишга ҳаракат қилганлар.

Аммо, юқорида тилга олинган ишларда, давлат ҳокимияти органларининг вазифа ва ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш масаласи махсус ўрганилмаган.

Республика Президентининг кўрсатмалари ва ижтимоий ҳаётдаги жараёнларга таянган ҳолда фикрлайдиган бўлсак:

➤ мамлакатда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш муҳим вазифа эканлиги;

➤ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари нодавлат нотижорат ташкилотлари тизимида алоҳида ўрин тутиши;

➤ давлат ҳокимиятининг айрим вазифаларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш ижтимоий ҳаётни эркинлаштиришнинг муҳим воситаси эканлиги;

➤ маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим вазифаларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш

<sup>1</sup> Батафсил қаранг: Азизходжаев А.А. Проблемы правоохранительной деятельности местных советов. –Т.: Узбекистан, 1990. – 196 с.; Бойдадаев М. Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви тизими, шаклланиши ва ривожланишининг ҳуқуқий асослари. –Т.: Академия, 1999. –184 б.; Жалилов Ш.И. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти: тажриба ва муаммолар.–Т.: Ўзбекистон, 1994. – 192 б.; Ўша муаллиф: Маҳалла янгилаштириш даврида. –Т.: Меҳнат, 1994. – 72 б.; Ўша муаллиф: Маҳалла: ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқий кафолати. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –320 б.; Ўша муаллиф: Кучли давлатдан-кучли жамият сари: тажриба, таҳлил, амалиёт. –Т.: Ўзбекистон, 2001. –160 б.; Комилов К.К. Участие народных масс в управлении советским государством. – Т.: Наука, 1964. –119 с.; Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Президент Ислам Каримов тарафдорининг танқидий мулоҳазалари. –Т.: Ўзбекистон, 2001. –367 б.; Маллицкий Н.Г. Ташкент маҳалла ва мавзелари.–Т.: Адабиёт ва санъат, 1996. –24 б.; Саидов А.Х. Маҳалла ва ўзини ўзи бошқариш органлари: эркинлаштириш ва замонавийлаштириш.// Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – 2001.–№1.–Б. 11–17.; Султонов С. Совет қурилиши. – Т.: Ўқигувчи, 1984.–269 б.; Хусанов О.Т. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. –Т: Шарқ, 1996. – 160 б.; Ўша муаллиф: Ўзбекистон Республикаси давлат органлари. –Т.: Шарқ 1996. –80 б.; Хидиров С.М. Амир Темур давлатининг ташкил топиши ва давлат тузуми: юридфанлари номзоди ... дис. автореф.– Т., 2002. –27 б.

тамойиллари ва механизмини аниқлаш, шакллантириш ҳозирги куннинг муҳим вазифаси бўлиб ва бу вазифаларни ҳал қилиш воситаларидан бири илмий тадқиқот эканлиги ушбу мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Кейинги йилларда нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ролини кучайтиришга давлат томонидан эътибор берилаётганлиги, «Кучли давлатдан – кучли жамиятга» ғоясини амалга оширишнинг муҳим воситаси – давлат органларининг айрим вазифа ва ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш зарурияти, бизни ушбу масалани махсус ўрганишга етаклади.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Давлат ҳокимияти органларининг айрим вазифаларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш зарурлиги ва аҳамиятини, бу жараён жамият ҳаётини эркинлаштириш воситаси эканлигини илмий асослаш ҳамда тегишли тавсиялар ишлаб чиқишдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

➤ ўзини ўзи бошқариш органларининг халқ ҳокимиятини амалга оширишдаги фаол иштирокини кўрсатиш;

➤ ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий ҳокимият органлари билан ўзаро алоқаларини аниқлаштириш;

➤ ўзини ўзи бошқариш органларига маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим вазифа ва ваколатларини босқичма-босқич ўтказиш зарурияти ва ундан кутилаётган натижани кўрсатиш;

➤ маҳаллий давлат ҳокимият органларининг айрим вазифа ва ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш таможилларини аниқлаш;

➤ маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилиши лозим бўлган вазифа ва ваколатларни аниқлаш;

➤ хориж тажрибасини ўрганиш орқали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш хусусида таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш ва бошқалар.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Давлат ҳокимияти органларининг айрим вазифа ва ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш масаласи биринчи мартаба номзодлик диссертацияси шаклида ўрганилмоқда.

Шунингдек тадқиқот янгиликлари қаторига:

- давлат ҳокимияти органларининг айрим вазифа ва ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш – эркинлаштириш воситаси эканлиги;

- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим вазифа ва ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш жараёнини кўрсатилиши;

- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим вазифа ва ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш зарурати ва мақсади аниқланганлиги;

- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим вазифа ва ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш тамойилларининг аниқланганлиги;

- маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилган ва ўтказиш лозим бўлган вазифа ва ваколатлар аниқланганлигини кўрсатиш мумкин.

Муаллифнинг, давлат ҳокимияти органларининг айрим вазифаларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш-ни фақат ҳуқуқий асосда олиб бориш зарурлиги ҳақидаги гоёси ҳам илмий тадқиқот янгилиги қаторига кириши мумкин.

**Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти.** Диссертацияда нодавлат органи ҳисобланувчи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий ҳокимият органлари билан ўзаро муносабати, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколат ва вазифаларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказишнинг давлат қурилиши ва бошқарувни эркинлаштиришдаги аҳамияти илмий ва назарий жиҳатдан асослаб берилган.

Тадқиқот натижасида вужудга келган хулоса ва таклифлар мавжуд қонунчиликни такомиллаштиришда, вазифаларни ўтказиш механизмини шакллантириш ва уларни амалиётда қўллашда, охи-роқибатда эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мавқеини янада оширишда фойда бериши мумкин.

Тадқиқот натижаларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш курси бўйича ўтказиладиган ўқув машғулотларида, ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини оширишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этилиши.**

Тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига тақдим этилган «Марказий давлат органларининг вазифа ва ваколатларини қуйи давлат бошқаруви органларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, босқичма-босқич ўтказишнинг асосий тамойиллари ва механизми» бўйича таҳлилий доклад лойиҳаси тайёрлашда фойдаланилган.

Маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий билимини ошириш бўйича ўтказилган ўқув машғулотларида тадқиқот натижаларига асосланиб ёзилган маърузалар ўқилган.

Япониянинг Нагоя университетида, 2003 йилнинг февраль ойида бўлиб ўтган «Ўзбекистондаги маҳаллалар» деб номланган конференциядаги маърузада маҳаллаларнинг ташкилий асоси, ҳуқуқий жиҳати очиб берилган.

**Тадқиқот ишининг синовдан ўтказилиши.** Тадқиқотнинг асосий хулосалари, таклиф ва тавсиялар муаллифнинг илмий журналларда, илмий-амалий конференция ва давра суҳбатларидаги чиқишларида баён қилинган.

Тошкент давлат юридик институтида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш» ўқув курси

бўйича магистратура йўналишида ўқув-услубий кўрсатма тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўтказилган давра суҳбатида тадқиқот хулосалари баён қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, ТДЮИ ҳамкорлигида маҳалла фаолларининг-оқсоқоллар, хотин-қизлар комиссиялари раислари, педагог тарбиячилар, посбонларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича ўтказилган ўқув машғулоти даврида диссертантнинг бир қатор таклиф ва мулоҳазалари муҳокама қилиниб умумлаштирилган.

Диссертация ТДЮИ «Давлат ҳуқуқи ва бошқарув» кафедрасида ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг «Давлат қурилиши ва ҳуқуқ» кафедраларининг мажлисларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлик даражаси.** Тадқиқотнинг асосий хулосалари ва ишлаб чиқилган амалий тавсиялар 2001-2004 йилларда чоп этилган саккизта илмий мақоласи илмий журналларда чоп этилган.

**Тадқиқотнинг тузилиши.** Диссертация кириш, 8та параграфни ўз ичига олган 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва 2 та илова қисмидан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 145 саҳифани ташкил этади.

## **ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Тадқиқотнинг биринчи боби **«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши демократик институт сифатида»** деб номланган. Ушбу бобнинг **«Ижтимоий тараққиётда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг шаклланиши»** деб номланган биринчи параграфидида муаллиф тарихан шаклланган маҳаллаларнинг умумий манзарасини ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими тарихини ўрганишга ҳаракат қилган.

Диссертацияда маҳалла фуқаролик жамиятининг шаклланишидаги асосий таркибий тузилмаларидан бири сифатида эътироф этилган бўлиб, демократик-ҳуқуқий давлат қурлишида давлат ҳокимиятининг айрим ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказишда маҳалладан таянч мактаби сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилган.

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, маҳалла аҳолисининг таркиби қанчалик хилма-хил бўлмасин улар шахсий алоқалар, муштарак манфаатлар ва мажбуриятлар, умумий тадбирларда иштирок этиш орқали жамоа тариқасида бирлашганлар, маҳалла ҳаётининг жамоа бўлиб яшаш тарзи ўзини ўзи бошқариш тизимини вужудга келтирган. Маҳаллага сайлаб қўйиладиган оқсоқол бошчилик қилган. Турли манбаларнинг гувоҳлик беришича, нолайик

одамларни сайлаб қўйиш жамоага кўп ноқулайликлар ва кўнгилсизликлар келтиришини яхши тушунган аҳоли оқсоқол ва унинг ёрдамчиларини сайлаш масаласига доимо жиддий муносабатда бўлганлар. Оқсоқол шаҳар маъмурлари олдида маҳалланинг расмий вакили бўлган, шу сабабли улар томонидан тасдиқланиши керак бўлган<sup>1</sup>. Айрим социологлар маҳаллани қўшничиликка асосланган жамоа деб қайд қиладилар ва уларни тарихан Мавороуннахр шаҳарларида вужудга келганлигини таъкидлайдилар. Тарихчи олим Наршахийнинг IX асрда ёзилган «Бухоро тарихи» китобида Бухоро ҳудудида бундан 1100 йил илгари бир неча маҳалла бўлганлиги кўрсатилган<sup>2</sup>.

Темурийлар давлати ҳамда кейинчалик Мовароуннахрнинг парчаланиб кетиши билан вужудга келган хонликларда ҳам маҳалла юқоридагидек аҳамият касб этган.

Чор Россияси истилосидан сўнг Ўрта Осиёнинг маҳаллий бошқарув тизими ислоҳ қилинсада, маҳалла энг қуйи бошқарув тизими сифатида ўз аҳамиятини йўқотмади.

1917 йилдаги Октябрь тўнтариши натижасида ҳокимиятни қўлга олган большевиклар, эски давлат машинасини биринчи галда синдириш тўғрисидаги марксча-ленинча тезисга суянган ҳолда ўз давлатларини тиклай бошлайдилар. Буржуа давлатчилиги таълимоти сифатида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларининг мавжуд бўлишини ҳам улар инкор этишди<sup>3</sup>.

«Ўзбекларнинг кўпгина анъанавий ижтимоий тузилмаларига қарши чиққан совет ҳокимияти маҳалла билан олишишдан чекинишга мажбур бўлди. 1932 йилда «Ўзбекистон шаҳарларидаги маҳалла қўмиталари тўғрисида Низом» чиқди. 1938 йилдан бошлаб маҳаллага ҳужум уюштиришлар умуман тўхтатилди. Маҳаллалар янги социалистик тузилмалар билан бирга мавжуд бўлиши, шунингдек улар бу тузилмаларни тўлдириши керак, деган қарор қабул қилинди»<sup>4</sup>.

1961 йилда Ўзбекистон Олий Кенгаши янги «Маҳалла комитетлари тўғрисида низом»ни тасдиқлади. Бироқ бу низом аслини олганда, маҳаллага ҳеч қандай юридик ваколатлар бермади<sup>5</sup>.

1990 йилнинг 9 апрелида Советлар давлатида моҳиятан янги бўлган қонун – ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги биринчи қонун, яъни «СССРда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжаликлар борасидаги дастлабки тадбирлар тўғрисида»ги қонун қабул

<sup>1</sup> Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Президент Ислом Каримов тарафдорининг танқидий мулоҳазалари. –Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б.184.

<sup>2</sup> Таджикханов У., Одиқориев Х., Саидов А. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. –Т.: Шарқ, 2001. – Б.621.

<sup>3</sup> Васильев В.И. Местное самоуправление: Уч. и науч.-прак. пособие. М.: Юринформцентр, 1999. – Б.51.

<sup>4</sup> Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Президент Ислом Каримов тарафдори –нинг танқидий мулоҳазалари. –Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б.185.

<sup>5</sup> Л.Левитин. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Президент Ислом Каримов тарафдорининг танқидий мулоҳазалари. –Т. Ўзбекистон, 2001. – Б. 323.



килинди. Аммо бу қонун собиқ Иттифоқдош республикалар эътиборидан четда қолган. Чунки, ҳар бир Иттифоқдош республикада ўз давлатининг хусусиятларига кўра, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунини қабул қилишга имкон бўлмади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, 1993 йил 2 сентябрда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга эга бўлди. Бу қонун маълум камчиликларга эга бўлса ҳам, мустақил Ўзбекистон Республикасининг прогрессив ҳужжатини—маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг янги моделини ўзида мужассамлаштирганди.

Диссертацияда кўрсатиб ўтилган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимининг тарихини ўрганиш олдимизда турган ислохотларнинг самарали ечимини топишга қаратилган ҳаракатдир. Ҳар жиҳатдан мукамал маҳалла демократик ислохотларни амалга оширишда, бозор муносабатларини муваффақиятли шакллантиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Биринчи бобнинг «Халқ ҳокимиятини амалга ошириш тизимида ўзини ўзи бошқариш» деб номланган иккинчи параграфида «кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш» гоёсини ҳаётга тадбиқ қилиш, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни ўзини ўзи бошқаришни, унинг халқ ҳокимиятидаги ўрнини кучайтиришни тақозо этиши таъкидланган. Ўзини ўзи бошқариш бутун дунёда умумэътироф этилган демократик жараён бўлсада, уни ташкил этишда миллий хусусиятлар, тарихий анъаналар мавжудлиги қайд этилди. Айниқса Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг ўзига хос хусусияти, яъни маҳаллий жойларда ҳам маҳаллий давлат ҳокимиятининг мавжудлиги, шунингдек унинг ҳудудида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаруви ҳам мавжудлиги ўзини ўзи бошқариш институтининг маҳаллаларда ташкил қилиниши, унинг халқ ҳокимияти институти сифатида кўплаб қирраларга, ўзига хос хусусиятларга эгаллигида намоён бўлади.

«Демократик, ҳуқуқий фуқаролик жамиятининг мазмуни маъмурий бошқарув тизимини мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришда эмас, балки муайян вақт мобайнида уни ижтимоий ўзини ўзи бошқаришнинг турли шаклларига алмаштиришдан иборатдир»<sup>1</sup>.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш фуқароларнинг сиёсий ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш шаклларида бири сифатида зарур. «Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш Европа Хартияси» фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини демократик принципларга дахлдор деб ҳисоблар экан, бундай ҳуқуқни бевосита маҳаллий даражада амалга ошириш мумкин деган ишончдан келиб чиқади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Ҳалилов Э.Х. Деятельность Олий Мажлиса по повышению роли органов самоуправления граждан в строительстве правового гражданского общества // Общественные науки Узб. 1999. -№1-2. -Б.3.

<sup>2</sup> Европейская Хартия местного самоуправления. - Страсбург, 1985.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти халқ ҳокимияти институтининг таркибий қисми деб таъкидланиши қуйидаги асосларга эга:

1. Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг субъекти мавжуд.
2. Давлат ва жамиятнинг демократик бошқарув механизмида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш алоҳида ўрин эгаллайди.
3. Фуқаролар олдида ўзини ўзи бошқариш органларининг масъуллиги.
4. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.
5. Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришда тарихий ва бошқа маҳаллий анъаналар ўз аксини топади.

Замонавий демократик давлат учун маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг мезоний талқини айнан Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг Европа Хартиясида ўз аксини топган.

Диссертациянинг II боби «**Хуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ўзини ўзи бошқариш**» деб номланган. Ушбу бобнинг «**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг хуқуқий асослари**» деб номланган дастлабки параграфда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг хуқуқий мақоми, улар фаолиятининг хуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига доир хуқуқий нормаларнинг ривожланиши таҳлил қилинган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарувининг хуқуқий асослари тўғрисида фикр юритилар экан, шуни ҳам назарда тутиш керакки, мазкур институтнинг хуқуқий негизини ташкил этувчи хуқуқ манбалари ўртасида уларнинг юридик таъсир кучи бўйича муайян иерархия босқичлари мавжуд. Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг хуқуқий асослари – фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг юридик тартиботи учун муҳим аҳамиятга эга бўлган меъёрий хуқуқий ҳужжатлар мажмуида яққол намоён бўлади. Хуқуқ манбаларининг ҳар бир тури тартибга соладиган маълум сифатларни ўзида ифода этади ва бу сифат мажмуи маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни тўла равишда амалга ошириш учун етарли даражада хуқуқий макон яратиб беради.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституцияси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини конституциявий тузумнинг таркибий қисми сифатида мустаҳкамлаб қўйди. Шундай қилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши конституциявий асосларга эга бўлди.

Конституция асосида вужудга келган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги 1993 йил 2 сентябрь қонуни (кейинчалик у янги таҳрирда қабул қилинган) республикада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши фаолиятини мустақил фаолият сифатида белгилаб қўйди. Шу билан бирга ўзини ўзи бошқаришнинг

ташкилий асоси, ўзини ўзи бошқариш органлари тизими, уларнинг ваколатлари қонунда ўз ифодасини топди. Диссертацияда мазкур қонунни такомиллаштиришга қаратилган қатор таклиф ва тавсиялар мавжуд.

Ўзини ўзи бошқаришни тўғри ташкил қилишда, унинг давлат (биринчи навбатда маҳаллий давлат ҳокимияти) органлари билан ўзаро муносабатини тўғри ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу муносабатнинг асоси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунда мустаҳкамланган ва шу туфайли мазкур қонун ҳуқуқий асос сифатида ўрганилган.

Мустақиллик даврида Республикамиз Президенти ва ҳукумати томонидан ўзини ўзи бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган кўплаб ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига бағишланган бир неча низомлар тасдиқланди. Диссертацияда ана шу ҳужжатларнинг мазмун ва моҳияти аниқланган ва тадқиқ қилинаётган масалани янада такомиллаштириш ҳақида таклифлар берилган.

Диссертациянинг иккинчи бобидаги «**Давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари**» номли параграфида давлат ҳокимияти органлари тизимидан мустақил фаолият юритадиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатлари кўриб чиқилган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўзаро мустақил тузилма бўлсада, уларнинг ҳамкорликда фаолият юритиши ҳокимиятни амалга оширишда кўзланган мақсадга эришишда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳар икки орган:

- ❖ фуқароларга жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита қатнашиш ҳуқуқини амалга оширишда восита бўлиб хизмат қилади;

- ❖ ўз ҳудудда ижтимоий ва ҳўжалик вазифаларини ҳал қилиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказишда иштирок этади;

- ❖ Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Президент фармонлари ва ҳукумат ҳужжатларининг бажарилишини таъминлайди<sup>1</sup>.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизими билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими бир-биридан ажратилса ҳам улар бир-биридан бошқа-бошқа, мутлақо ажралган ҳолда фаолият кўрсатмайди. Уларнинг боғлиқ томонлари мавжуд. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳам, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилади, ўз фаолиятида аҳоли ташаббускорлигига таянади, аҳолини ижтимоий ҳокимиятни амалга ошириш ишларига жалб қилади.

<sup>1</sup> Қаранг: Хусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. - Т.: Шарқ, 1996. Б.65.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш мутлақ мустақил бўла олмайди, чунки у ягона давлат доирасида, бир жамиятда яшаётган омма муносабатлари тизимида мавжуд бўлади ва фаолият кўрсатади.

Аслини олганда, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва унинг органлари мақоми давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий нормалари билан белгиланади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тақдим этилган қонуний ҳуқуқлар бир вақтнинг ўзида уларнинг мажбуриятларини ҳам белгилаб қўяди. Уларнинг барчаси аниқ ва изчил бажарилмоғи лозим.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз ваколат доирасида қабул қилган қарорлари тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролар ҳамда улар ҳудудида жойлашган юридик шахслар томонидан ижро этилиши шарт.

Бу Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунининг асосий мазмуни бўлган маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни давлат ҳокимиятидан ажратиб ҳақидаги дастлабки қонун, яъни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди деган қоидага алмаштиришга олиб келади. Бу маҳаллий ўзини ўзи бошқариш давлат ҳокимиятидан фақат ташкилий жиҳатдангина ажратилди дегани, холос. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари «юқоридан» тайинланмаслиги ва тасдиқланмаслиги керак. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари қонунийлик асосида қабул қилиниши ва ижро этилиши лозим. Давлат органлари унинг ушбу фаолиятига аралашини мумкин эмас. Давлат ҳокимиятининг ижро органлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бевосита кўрсатма берилишига асло йўл қўйилмаслиги керак.

Аммо буларнинг барчаси маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни давлат ҳокимиятидан функционал равишда ажратиб қўйилганини билдирмайди. Улар умумдавлат сиёсати доирасида амал қиладилар, турли давлат дастурларини руёбга чиқаришда иштирок этадилар, улар давлатнинг умумий ҳуқуқий тизимига киритиб қўйилган – фуқаролик, жинойят, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекс талабларига бўйсунадилар, фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларига риоя қиладилар ва х.к.

Халқ ҳокимиятини амалга ошириш шакли сифатида ўзини ўзи бошқариш давлат ҳокимиятидан фарқ қилади, негаки, у давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайдиган, яъни таркибига давлат таъсир эта олмайдиган шахслардан иборат органдир. Шунингдек, у ўз қарорига маълум бир ҳудуд аҳолиси бўйсунадиган оммавий ҳокимиятдир. Уни фақат маҳаллий ҳокимият деб аташ етарли бўлмайди. Маҳаллий ҳокимият давлатга қарашли бўлиши мумкин. Оммавий ҳокимият тушунчаси доирасидаги таъриф ҳам етарли эмас. Бу тушунча анча кенгрок, негаки давлат ҳокимияти оммавий ҳокимиятнинг маълум қисми сифатида намоён бўлади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш – бу, албатта, «давлат ичидаги давлат эмас».

Шу билан бирга, унинг ҳокимияти фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ҳам тегишли бўла олмайди, зеро, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш – аҳолининг нафақат маҳаллий муаммоларини ҳал этишга мўлжалланган ташкилий шакл ёки кўриниш эмас, балки – оммавий ҳокимият, халқ ҳокимиятини амалга ошириш шакли ҳамдир.

Хорижий давлатларнинг қонунчилигида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳокимиятига таъриф беришда, алоҳида оммавий ҳокимият сифатида «муниципал (маҳаллий) ҳокимият» ибораси ишлатилади ва бу иборани, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳокимиятига берилган ибора деб талқин қилиш мумкин<sup>1</sup>.

Шунингдек, ҳуқуқнинг халқаро майдондаги янги соҳасини шаклланиши унинг номланиши тўғрисидаги масалани кўндаланг қўйди, ва умумэтироф этилган маънода ушбу соҳа «муниципал ҳуқуқ» деб атала бошланди<sup>2</sup>.

Ўзбек қонунчилигига «муниципал» ибораси биринчи марта 1991 йилда фуқаролик кодекси орқали кириб келган.

Халқаро нормаларга разм соладиган бўлсак, юқорида қайд этилганидек, муниципал ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тушунчалари мутлақо бир маънони англатади. Шундай экан, қонунчилигимизга «**маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи**» ва «**муниципал ҳуқуқ**» тушунчалари бир маънони англатади деган норма киритилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Диссертация иккинчи бобининг “**Хорижий мамлакатлар тажрибасида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш**” деб номланган учинчи параграфида жаҳон тажрибаси асосида тўпланган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш бўйича амалиёт натижалари таҳлил қилинган.

Халқаро амалиётда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг бир неча моделлари мавжуд, бир қатор мамлакатларда англосаксон тизими амал қилади, бошқа баъзи давлатларда эса маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг француз тизими қўлланилади<sup>3</sup>.

Ўзини ўзи бошқаришнинг англосаксон ва француз моделлари билан бир қаторда Германиянинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими (коммунал) ҳам мустақил модель ҳисобланади.

«Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш» ва «маҳаллий бошқариш» тушунчалари мавжуд бўлиб, айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, мазкур тушунчаларни бир бирига қарама қарши қўйиш керак эмас, маҳаллий бошқарув тушунчаси жойлардаги давлат маъмуриятини ҳамда фуқаролар томонидан сайланувчи органларни яъни маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини ўз ичига олади, чунки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш маҳаллий бошқаришнинг таркибий қисми ҳисобланади.

<sup>1</sup> Васильев В.И. Местное самоуправление: Уч. и научно-практ. пособие. -М., 1999. –С.24.

<sup>2</sup> Кутафин О.Е., Фадеев В.И. Муниципальное право Российской Федерации. -М.: Юристъ, 2000. –С.13.

<sup>3</sup> Ясюнас В.А. Основы местного самоуправления: Уч. пособие. -М.: Ось-89, 1998. Б. 92.

Одатда, маҳаллий бошқариш юқори ҳокимият томонидан тайинланадиган маъмурий органлар томонидан амалга оширилади. Демак, «маҳаллий ўзини ўзи бошқариш» ва «маҳаллий бошқарув» атамаси айнан бир нарса эмас<sup>1</sup>. Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга хос энг муҳим хусусият – сайланишдир. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари – бевосита фуқаролар томонидан сайланади. Маҳаллий бошқарув – марказий ҳокимият томонидан тайинланадиган орган ҳам бўлиши мумкин.

Барча Ғарбий Европа давлатлари ўзини ўзи бошқаришнинг маълум бир даражасига эга бўлган, у ёки бу шаклдаги маҳаллий бошқарув тизимига эгадир. Ғарб манбаларида таъкидланишича, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга алоҳида тизим сифатида эмас, балки давлат тизимининг бир қисми сифатида қараш лозим.

Ғарбий Европа мамлакатларида, одатда, шаҳар ва қишлоқ коммуналари маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг бошланғич ташкилоти ҳисобланади, улар турлича номланади, шунингдек, аҳоли сони ва ҳудудий кўлами жиҳатидан бир-биридан кескин фарқланади.

Британия оролларида муниципалитетлар ҳеч қачон ҳокимиятни амалга оширишнинг давлат шаклидан ажратилган эмас<sup>2</sup>. **Олий ҳокимият ҳамма вақт энг аввало қонун чиқарувчи ҳокимият бўлган бўлса, маҳаллий ҳудудий ҳокимият ижроия ҳокимияти бўлган ва ҳозир ҳам айнан шундайдир**<sup>3</sup>. Шу сабабли юқорида қайд этиб ўтилганидек, Англия қонунчилигида муниципалитетларга нисбатан “ўзини ўзи бошқариш” атамаси қўлланилмайди.

В.В.Махлаков фикрига кўра: “Ғарбий Европа мамлакатларида бутун бошқарув тизимининг вужудга келиши учун асос бўлган француз маҳаллий бошқарувига ҳамма вақт кучли иерархия ҳамда марказий ҳокимиятга тобе бўлиш хос бўлган”. Бу марказий ҳокимият томонидан маҳаллий органлар устидан ўрнатилган маъмурий назоратнинг кучайишида, марказ ва жойлар муносабатидаги бюрократик субординацияда намоён бўлди.

Францияда, дунёнинг айрим мамлакатларида бўлганидек, маҳаллий бошқарувнинг бешта даражаси: коммуна, кантон, округ, департамент ва минтақавий даражаси мавжуддир<sup>4</sup>.

Ғарбий Европа мамлакатлари сингари Францияда ҳам, мунтазам равишда маҳаллий бошқарувни ислоҳ қилишга ҳаракат қилинган.

ГФР тажрибасига кўра, ўзини ўзи бошқариш тизими маъмурий-ҳудудий бўлинмаларга, ўзаро ёндош ерларга мувофиқ ҳолда тузилади. ГФР да давлат қурилиши масаласида қуйидаги тамойил

<sup>1</sup> Чудаков М.Ф. Конституционное право зарубежных стран: Учеб. пособие. – Минск: Новое знание, 2001. – С.505.

<sup>2</sup> Баранчиков В.А. Муниципальное право. Закон и право. – М., 2000. – С.18.

<sup>3</sup> Ясюнас В.И. Основы местного самоуправления: Уч. пособие. – М., 1998. – С.96.

<sup>4</sup> Ясюнас В.И. Основы местного самоуправления: Уч. пособие. – М., 1998. – С.101.

амал қилади: агар давлат ўзини халқ томонидан қўллаб-қувватланишини истаса, демократияни қуйидан юқорига қараб шакллантирмоғи лозим.

ГФРда жамоалар давлат ҳокимиятининг энг қуйи бўғини, аммо айнаи бир вақтда энг муҳим бўғини ҳам ҳисобланади. Немис олимлари жамоаларни давлат асоси, деб атаганда айнан ана шуни назарда тутадилар.

ГФР жамоалари федерал ёки ер ҳудудлари қонунчилиги олдида ҳимоясиз бир вазиятни эгалламайди. Демак, Буюк Британия, Франция, ГФР ва бошқа Ғарбий Европа давлатларининг маҳаллий бошқарув тизими соҳасида тўплаган тажрибалари таҳлили шуни кўрсатадики, бу давлатларда марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви вазифаларини ажратишнинг анча изчил механизми юзага келган, маҳаллий давлат бошқарув органлари томонидан давлат функциялари тобора кўпроқ ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилиши эвазига уларнинг маҳаллий масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқлари кенгаймоқда. Ҳамма вақт ҳам ҳар бир модель у ёки бу давлатга хос миллий, ҳудудий ва сиёсий хусусиятларни ўзида акс эттиради.

«Давлат ҳокимияти органларининг айрим вазифа ва ваколатларини ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказишни таъминлаш» деб номланган учинчи бобнинг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига айрим вазифа ва ваколатларни ўтказишдан мақсад» деб номланган параграфида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг объектив талабларидан келиб чиқиб, давлат ҳокимиятининг айрим вазифа ва ваколатларини ўтказиш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг илмий ва амалий ечимини ҳуқуқий нуқтаи назардан ҳал этиш мақсад қилиб олинган.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш соҳасида давлат сиёсати ҳал қиладиган асосий вазифалар қаторида давлат ҳокимияти органи билан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатлари чегарасини белгилаб олиш муҳим ўрин тутди.

Давлатнинг муайян ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилиши маҳаллий халқ ҳокимиятини давлат организми негизда жонланишига, уларнинг уйғунлашиб кетишига ва бир-бирларини тўлдириб боришига имконият яратади.

«Давлатнинг муайян ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш принциплари тўғрисида» махсус қонун ишлаб чиқилиши лозим бўлиб, ушбу қонун давлат ҳокимиятининг муайян ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш жараёнидаги бош ғоя ва принципларни, асосий тушунчалар ҳамда моддий-молиявий таъминот масалаларини ўзида мазмунан акс эттириши керак.

Моҳиятан олиб қараганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат манфаатларига хизмат қиладиган ишлар билан шуғулланадилар. Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг барча

мураккаб функционал муаммолари ҳар қандай ҳолда маҳаллий ишларнинг бир бутунлигига асосланади.

Маҳаллий аҳамиятдаги масалаларни давлат манфаатларидан алоҳида ажратиб бўлмайти, улар давлатнинг эътиборидан четда қолмайди ва қолиши ҳам мумкин эмас.

Шундай қилиб муайян бир тартиб яратилиши лозимки, унинг ёрдамида ҳар бир орган - фуқаролар ўзини ўзи бошқариш ва давлат ҳокимияти органлари - биргаликда шуғулланадиган масалаларни амалга ошириш жараёнида ўзлигини сақлаб қолиши даркор.

Ушбу бобнинг «**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига давлат ҳокимиятининг айрим вазифа ва ваколатларини ўтказиш принциплари**» деб номланган иккинчи параграфида давлат ҳокимиятининг айрим вазифа ва ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказишда амал қилиниши лозим бўлган бош гоё ва қоидалар мазмуни кўрсатиб ўтилган бўлиб, уларнинг тизими қуйидагилардан иборат:

**1. Қонунийлик принципи** – давлатнинг айрим ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш тадбирлари қонун асосида ва қонун доирасида амалга оширишни талаб этади.

**2. Босқичма-босқичлик принципи**<sup>1</sup>. Бу принцип Ўзбекистонда ўтказилаётган ислохотларнинг барча йўналишлари учун хос бўлиб, унинг афзаллиги шундаки, у вазифаларни зарурат даражасига қараб, вазифалар берилаётган даврдаги вазият, шу вазиятнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш имконини беради.

**3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлатнинг фақат қонун тартибида ўтказилган айрим ваколатларини ижро этиши лозим.**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига давлатнинг айрим ваколатларни ўтказиш фақат қонун асосида амалга оширилиши керак. Қонун ости актларига асосан ўзини ўзи бошқариш органларига ваколатларни ўтказишга йўл қўйилмаслиги қонунда ўз аксини топиши лозим. Мазкур принципни бузиш орқали қабул қилинган қонун ости ҳужжатлари суд тартибида ноқонуний деб эътироф этилиши лозим.

**4. Давлатнинг ўтказилган айрим ваколатларини амалга ошириш устидан давлат ҳокимияти органлари назоратини таъминлаш принципи.**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатадиган аниқ ҳудудларда давлат органининг махсус назорати қонунда кўрсатилган тартибда тегишли махсус қоидалар билан белгиланган давлат ҳокимияти ижро органи зиммасига юклатилмоғи лозим. Бундай махсус қоида бўлмаган тақдирда махсус давлат

<sup>1</sup> Исмоилхўжаев Ф.У. Ҳокимият ваколатларини нодавлат ташкилотларга босқичма-босқич ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари: ихтисослиги бўйича магистр ... дис. -Т., 2003. – Б.61.



назорати тегишли давлат ҳуқуқий назорат органи мажбуриятига киради.

**5. Давлатнинг айрим вазифа ва ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказишда уларни бажариш учун зарур ва етарли даражада бўлган моддий ва молиявий маблағларни ўтказмай туриб амалга оширишга йўл қўймаслик принципи.**

Давлатнинг айрим ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш бюджет муносабатларини тартибга солиш, яъни уларнинг молиявий воситаларини ишга солиш учун зарур бўлган қисмини бир вақтнинг ўзида ўтказиш йўли билан амалга оширилиши лозим.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан айрим давлат ваколатларини амалга ошириш учун ҳар йили маҳаллий бюджетдан зарурий ажратмалар ажратилиши керак.

Умуман олганда, ушбу принципларнинг амалда қўлланилиши давлат ҳокимиятининг айрим вазифа ва ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бажарилиши учун зарурий ҳуқуқий асосларни қабул қилишда кенг аҳамият касб этади.

Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига давлат ҳокимиятининг қуйидаги асосий вазифаларини ўтказиш мақсадга мувофиқ эмаслигини инобатга олиб шундай хулосага келинди:

а) инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқи ва эркинликлари бўйича давлат ҳимоясини амалга ошириш;

б) давлат хизматини тартибга солиш;

в) бюджет жараёни;

г) солиқ солиш ва йиғиш соҳасидаги сиёсатни амалга ошириш;

д) давлатнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондларини ташкил этиш, бу фондлар маблағларини сарфлаш устидан назорат ўрнатиш;

е) халқаро алоқалар ва ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштиришни амалга ошириш;

ж) маҳаллий ўзини ўзи бошқаришда фуқаролар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги қонунчиликка риоя қилиш назоратини ўрнатиш;

з) фавқулодда ҳолатлар шароитида қонунга мувофиқ хавфсизликни таъминлаш ва ноқулай оқибатларни бартараф этиш;

и) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

к) давлатнинг умумий сафарбарлик тайёргарлиги ва фуқаролар мудофаасига раҳбарлик қилиш.

**Ушбу бобнинг «маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилиши лозим бўлган вазифа ва ваколатлари» деб номланган учинчи параграфида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқароларнинг**

ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилиши лозим бўлган вазифа ва ваколатлар тизими, вазифа ва ваколатларнинг мазмуни, ваколатларни амалга оширишни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалардаги атама ва тушунчалар моҳияти ва умуман юқорида санаб ўтилган масалаларнинг ҳуқуқий асосларига боғлиқ бўлган муаммолар таҳлил қилинган.

Ваколатларни аниқ белгилаш билан боғлиқ барча муаммоларни Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг манфаати ва маҳаллий ўзига хос томонларини ҳисобга олиб, тўла-тўқис ва қисқа муддатларда ўз ечимини топтириш давлат аҳамиятига эга бўлган вазифадир.

Маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш асосини қуйидаги принцип белгилаб беради: 'муниципал органлар фақат қонунда кўрсатилган барча ҳаракатларни амалга оширишлари мумкин. Бу принцип XIX асрда Буюк Британияда ўрнатилган. Маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш бошқа принцип асосида ҳам амалга оширилишига йўл қўйилади: муниципал органлар, бошқа органлар ваколатига тегишли бўлмаган ва қонунда таъқиқланмаган барча ҳаракатларни амалга ошириши мумкин. Бу принцип Франциядаги маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини ҳуқуқий тартибга солиш асосида амалга оширилади.<sup>1</sup>

Маҳаллий аҳамиятга молик умумий масалалар доираси қонунда аниқ кўрсатилиши шарт. Тадқиқот натижасига кўра, маҳаллий давлат органларининг қуйидаги ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш тавсия қилинади:

❖ Маҳалла ҳудудида муайян қурилиш ишлари бошланишидан аввал фуқаролар йиғини кенгаши маҳалла аҳолиси учун ушбу қурилишнинг қай даражада зарарли ёки фойдали эканлигини кўрсатувчи ўзининг махсус қарорини давлат органларига тақдим этиши;

❖ Маҳалла ҳудудидаги чиқиндиларни ўз вақтида ташиб кетилишини ташкил қилишини таъминлаш;

❖ водопровод, канализация, газ ва иситиш тармоқларининг аҳолига мунтазам равишда хизмат қилишини назорат қилиш;

❖ маҳаллий аҳолининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда маҳалла ҳудудидаги йўлларнинг таъмирланишини назорат қилишни қонунийлаштириш.

❖ У ёки бу маҳалла ҳудудида жойлашган савдо шаҳобчасининг маиший товарларидан (крем, совун, шампунь ва ҳ.к.лар) олинадиган фойданинг маълум фоизини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тасарруфига ўтказилишини қонунийлаштириш.

❖ Фуқаролар ижтимоий таъминотини тўлиқ ташкил қилиш.

<sup>1</sup> Арановский К.В. Государственное право зарубежных стран: Уч. пособие. –М.: Форум -Инфра-М. 1998. – С.480.

❖ «Маҳалла-коммуналчи» ширкатлари орқали аҳолига коммунал хизматлар кўрсатишнинг тартиб ва қоидаларини белгилаш, коммунал хизматлар учун ҳақ йиғиш ва тўпланган маблағни тасаруф қилиш;

❖ ёдгорликлар, қабристонлар ва муқаддас қадамжоларнинг сақланиши ва фойдаланилиши устидан назорат қилишда иштирок этиш;

❖ фуқароларни ҳарбий хизмат учун рўйхатга олиш;

❖ уй-жой савдосини расмийлаштириш ва бошқа нэтиариал хизматларни бажариш.

❖ Маҳаллий солиқлар ва маҳаллий бюджетнинг пастдан юқоригача шаклланишида ва юқоридан пастгача тақсимланишида фаол қатнашиш;

❖ фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқароларни давлат мукофотига тавсия этишда иштирокини таъминлаш;

❖ маҳаллалар ҳудудидаги давлат тиббиёт масканларининг хўжалик фаолиятини ташкил қилиш орқали ёшларнинг оммавий спорт ўйинларида қатнашишлари учун маҳаллаларда шарт-шароитлар яратиш<sup>1</sup>;

❖ маҳаллалар ҳудудида тегишли ижтимоий инфратузилмани, гузарларни барпо қилиш, ижтимоий иншоотларни таъмирлаш ва улардан фойдаланиш масалаларини маҳаллалардаги ўзини ўзи бошқариш органлари доирасида ҳал қилиш;

❖ Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари қарорларининг маҳаллалар ҳудудида бажарилишини назорат қилиш.

Шундай қилиб, давлат ҳокимияти органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилиши лозим бўлган вазифа ва ваколатлари илмий жиҳатдан асослантирилган тақдирдагина фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини демократик жамиятни шакллантиришдаги ўрни ва аҳамиятини эътироф этиш мумкин.

## ХУЛОСА

Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида, халқаро тажрибалардан унумли фойдаланиш ва умум эътироф этилган демократик тамойилларга амал қилиш асосида давом этмоқда.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтини муҳим ижтимоий институт сифатида эътироф этилишига ҳамда ушбу фаолиятни Ўзбекистонга хос равишда ташкил этишга имконият яратди. Ўзини ўзи бошқаришни

<sup>1</sup> Исmoilхўжаев Ф.У. Ҳокимият ваколатларини нодавлат ташкилотларга босқичма-босқич ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари: ихтисослиги буйича магистр ... дис. -Т., 2003. -Б.68-70.

маҳаллаларда ташкил этилиши бу институтни миллий хусусиятлар билан бойитиш ва улардан самарали фойдаланиш имконини берди.

Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- маҳаллий ўзини ўзи бошқариш институти вужудга келди, шаклланди ва тобора ривожланмоқда;

- Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши орқали халқ ҳокимиятчилиги тобора кўпроқ намоён бўлмоқда;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўзаро муносабатларининг ҳуқуқи асослари шаклланиб ривожланмоқда;

- давлат ҳокимиятининг вазифа ва ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш жараёнларига эътибор кучаймоқда.

Шу муносабат билан қуйидагилар:

- давлат ҳокимиятининг муайян вазифа ва ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказишдан мақсад;

- давлат ҳокимиятининг муайян вазифа ва ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш принциплари;

- давлат ҳокимиятининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиши лозим бўлган вазифа ва ваколатлар тизими ўрганилди, ҳамда таҳлил қилинди.

Диссертацияда қилинган хулосалар асосида қуйидаги тавсиялар баён қилиниб, ушбу тадбирларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш бугунги кунда «қонунийлик», «маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимида жавобгарлик» ва «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларининг молиявий-иқтисодий ресурсларга монандлиги» принципларини қонунда мустаҳкамлашни тақозо этади.

2. Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш даврида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг конституциявий ҳуқуқий мақомининг мустаҳкамланиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «**Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш**» номли алоҳида боб ва моддалар билан ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши лозим.

3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштириш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг низомларини, фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссияси, фуқаролар йиғинининг маъмурий комиссияси тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқиш давр талабидир.

4. «**Давлатнинг муайян ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказишнинг умумий принциплари тўғрисида**» махсус қонун ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир. Бу қонун маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

5. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий асосини мустақкамлашга доир чора тадбирларнинг дастурини мамлакат миқёсида ишлаб чиқиш зарур.

6. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий аҳамиятга молик умумий масалалар доирасини аниқлаш ва ваколатларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш.

7. Олий юридик ўқув юртларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ўрганишга оид фанларга тегишли бўлган дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларини яратиш.

8. Тармоқ қонунларидаги нормаларни “фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун нормаларига мувофиқлаштириш.

### **Диссертациянинг асосий мазмуни муаллифнинг қуйидаги ишларида ўз аксини топган**

1. *Маликова Г.Р.* Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг моҳияти // Жамият ва бошқарув. – 2001.- №3. –Б. 64-66.

2. *Маликова Г.Р.* Демократиянинг ажралмас қисми // Ҳаёт ва қонун. – 2001.- №4. –Б. 72-74.

3. *Маликова Г.Р.* Маҳаллий бошқарув дунё тажрибасида // Жамият ва бошқарув. – 2002.- №2. –Б.65-66.

4. *Маликова Г.Р.* Маҳаллий ўзини ўзи бошқарув // Ҳаёт ва қонун. – 2003.- №1. –Б.25-26.

5. *Маликова Г.Р.* Ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий кафолати // Жамият ва бошқарув. –2003.- №1. –Б.47-48.

6. *Маликова Г.Р.* Проблемы наделения органов самоуправления отдельными государственными полномочиями // Ҳуқуқ. Право. Law. –2003.- №1. –Б.51-52.

7. *Маликова Г.Р.* Энг қулай бошқарув тизими // Ҳаёт ва қонун.- 2004.- №1-Б.26-27.

8. *Маликова Г.Р.* Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим вазифа ва ваколатларини қандай ўтказиш лозим? // Ҳуқуқ. Право. Law. – 2004.- №2. –Б.20-23.

### **Тадқиқотчи**

**Юридик фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Маликова  
Гулчехра Рихсихўжаевнанинг 12.00.02 – давлат ҳуқуқи ва  
бошқаруви; маъмурий ҳуқуқ; молия ҳуқуқи ихтисослиги бўйича  
“Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқароларнинг  
ўзини ўзи бошқариш органларига айрим вазифа ва  
ваколатларини ўтказиш (ҳуқуқий, ташкилий масалалар)”  
мавзусидаги диссертациясининг**

**ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ**

**Асосий сўзлар:** вазифа ва ваколат, маҳалла, маҳаллий аҳоли, маҳаллий ҳокимият, оқсоқол, фуқаролар йиғини, фуқаролик жамияти, эркинлаштириш, ўзини ўзи бошқариш.

**Тадқиқот объекти:** маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим вазифа ва ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш жараёни.

**Ишнинг мақсади:** Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш тизимига оид муаммоларни таҳлил этиш ва уни такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот методи:** тарихий, мантиқий, қиёсий, сиёсий–социологик, тадрийжий.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** тадқиқотда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказишдан мақсад, ўтказилиши лозим бўлган вазифа ва ваколатлар, вазифа ва ваколатларни ўтказишга оид умумий принциплар аниқланди, тегишли илмий тавсиялар берилди.

**Амалий аҳамияти:** тадқиқот натижалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини такомиллаштириш соҳасини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

**Тадбиқ этиш даражаси:** тадқиқот натижаларидан маҳаллий давлат ҳокимиятининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига айрим вазифа ва ваколатларни ўтказишга тааллуқли ҳуқуқий асосларни яратишда, назарий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда методик қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкин.

**Қўлланиш соҳаси:** маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида қўллаш мумкин

## Р Е З Ю М Е

**Диссертации Маликовой Гульчехры Рихсихужаевны на тему: «Передача органами местной государственной власти отдельных задач и полномочий органам самоуправления граждан ( правовые, организационные вопросы) на соискание ученой степени кандидата юридических наук по специальности 12.00.02. – государственное право и управление; административное право; финансовое право.**

**Ключевые слова:** задача и гарантии, махалля, местные жители, местная власть, аксакал, гражданское собрание, гражданское общество, самоуправление.

**Объект исследования:** процесс передачи органами местной государственной власти отдельных задач и полномочий органам самоуправления граждан.

**Цель работы:** анализ проблем действующей системы по развитию органов самоуправления граждан и разработка соответствующих рекомендаций по ее совершенствованию.

**Метод исследования:** исторический, логический, сравнительный, политико- социологический, исследовательный.

**Полученные результаты и их новизна:** в диссертации впервые изучены цель передачи органами местной государственной власти отдельных задач и полномочий органам самоуправления граждан, исследованы общие принципы, даны некоторые научные рекомендации.

**Практическая значимость:** Выводы и рекомендации диссертации помогут при применении и дальнейшем развитии системы самоуправления граждан.

**Степень внедрения:** выводы и рекомендации диссертации могут быть применены при создании правовой основы передачи органами местной государственной власти отдельных задач и полномочий органам самоуправления граждан и могут быть применены при дальнейших теоретических исследованиях и в создании методических указаний.

**Область применения:** возможные применения в деятельности органов самоуправления и местной власти.

## RESUME

**For dissertation work of Ms. MALIKOVA R. Gulchekhira on theme of: "Transfer of separate tasks and authorities of the local authorities to the local self-governing authorities (legal and organizational issues) to get academic degree of candidate of science of law by specialty of 12.00.02 – public law and management; administrative law; financial law.**

**Key words:** task and guaranties, makhallya, local inhabitants, local authority, aksakal, civil assembly, civil society, self-governing.

**Object of the investigation:** The process of transferring of separate tasks and authorities of the local authorities to the local self-governing authorities.

**Aim of the work:** Analysis of problems of the acting system of self-governing and elaborating of respective recommendations of his perfection.

**Method of the investigation:** historical, logical, comparative, political-sociological, analytical.

**Obtained results and their newness:** In the dissertation work for the first time investigated aim of the transferring of separate tasks and authorities of the local authorities to the local self-governing authorities, investigated general principles, given some scientific recommendations.

**Practical significance:** Conclusions and recommendations of the dissertation work will assist during using and further development of the system of self-governing.

**Level of introduction:** Conclusions and recommendations of the dissertation work are can be use during creation of legal basis of the transferring of separate tasks and authorities of the local authorities to the local self-governing authorities and can be use during further theoretical investigations and in creation of methodical instructions.

**Field of application:** possibly using in the activity of local self-governing authorities



**Босишга рухсат этилди: 6.07.04**  
**Ҳажми: 2,4 б.т. Адади: 100. Буюртма № 356**  
**ТДЮИ кичик босмахонасида босилди**  
**Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ 35.**